

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA



2004-YIL 8-APREL PAYSANBA 42-43 (27.218) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Экспорт — мамлакат таянчи


«ЭЛТЕКС»НИ ХОРИЖДА ХАМ БИЛИШАДИ

Элликқалъа туманидаги «Элтекс» тўқимачилик комплексиди бугун 2400 киши ишлапти. Бу ерда жинси материалдан тикилаётган кийим-кечаклар юз фоиз хорижда экспорт қилинмоқда. Аҳил жамоа ўтган йилни 1 миллиард 463 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши билан яқунлаганди. Қум барханлари ўрнида Мустақиллик меваеси сифатида қад ростлаган ушбу йилги корхонада ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Эндиликда «Элтекс» тамғаси билан чиқарилаётган бежирим ва сифатли кийим-кечакларни хорижда ҳам яхши билишади ва уларга талаб йил сайин ортиб бораётди. Жамоа йил охирига қадар экспорт ҳажмини 2,5 миллиард сўмга етказишни режалаштириб ишлаётди.

Суратларда: тайёр маҳсулотлар цехи менежери Хуанита Борромео (Филиппин) ва тўқувчи Жумагул Ражабова; тикувчи Замира Зарипова тиккан кийим-кечаклар ҳаммага манзур.




Шакрат АҚРАМОВ олган суратлар



Спорт

ОКСАНАНИНГ БРАЗИЛИЯДАГИ ЮТУҒИ



Спорт гимнастикаси бўйича ўзига хос рекорд ўрнатиб, қаторасига тўртинчи марта олимпиадага йўлланма олган Оксана Чусовитина

халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. У кунни кеча Рио-Де-Жанейро (Бразилия)да яқунланган жаҳон кубоги баҳсларининг учинчи босқичида ҳам барчани лол қолдирди. Барселона олимпиадаси чемпиони Оксана Чусовитина учун ўтказилган мазкур халқаро турнирда дастлаб таяниб сакраш машқи бўйича энг юқори кўрсаткичга эришди — 9,406. Америкалик Сакрамоне (9,287) ҳамда бель-

гиялик Ван Валлегем(9,168)лар кейинги погоналардан жой олишди. Брусья машқида эса афсонавий гимнастикачимиз бронза медалига сазовор бўлди — 8,962. Қувонарлиси, бу йилги жаҳон кубоги баҳслари ҳамюртимиз Оксана Чусовитина учун нихоятда омадли кечмоқда. Оксананинг Бразилиядаги муваффақияти мутахассислар томонидан Афина олимпиадаси медалларига уни даъвогарлар сафида эътироф этилишига сабаб бўлди.

РУСЛАНИНГ ЎН БИРИНЧИ ЖАНГИ

Осиё ва Жаҳон чемпиони, Осиё ўйинлари совриндори Руслан Чагаев ўзининг профессионал боксдаги фаолиятини муваффақиятли давом эттирмоқда.



счи мазкур учрашувга 20 та жанг ўтказиб, шунинг 13 тасида рақибини нокаутга учратган.

30 МАРТ, ДЎРМОН

Дўрмон боғларига чўқади оқшом, Намуш шамоллар ҳам ела бошлайди. Наъматак ортидан ҳорғин, беором Асқад Мухтор аста кела бошлайди.

Уша-уша сийқа ҳассалар қўлда, Сехин одимлаймиз хиёбон бўйлаб. Асқад ака дейди: «Хамон мен йўлда, Хамон етолмайди ўйимга ўйлаб.

Дунёда нима гап, тинч борми Дўрмон? Гапи адоғига етмайди буюк. Кўздан юйиб бўлар шоир ноҳаҳон, Таниш овозида ҳадик ва титроқ.

— Тўхтаган, Асқад ака! — дейман мен тўлиб, Шамоллар учирар муҳкам изларни. Балки ўтганлар ҳам безовата бўлиб, Кузатиб юришиби бугун бизларни... Абдулла ОРИПОВ

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPATИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ (ЯНГИ ТАХРИРИ) ЛОЙИХАСИ

Партия Марказий Кенгаши VII пленумида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устави (янги таҳрири) лойиҳаси тўғрисидаги масала ҳам кўрилиб, МК Илчи гуруҳи томонидан маҳаллий партия ташкилотларининг тақлифларини инобатга олган ҳолда тайёрланган Устав лойиҳаси матни асосан маъқулланган ва уни барча даражалардаги партия ташкилотларида муҳокама қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Газета мизнинг бугунги сонидида партия Устави (янги таҳрири) лойиҳасининг дастлабки варианты эълон қилинмоқда.

Унинг юзасидан фикр-мулоҳаза ва тақлифларни жойлардаги маҳаллий партия кенгашларига ёки Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига юборишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони, 5/1.

3-4 бет

Мулоҳаза

МУНОСАБАТ МАҚСАДГА БОҒЛИҚ

ТОШКЕНТДА СОДИР ЭТИЛГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИНИ ЁРИТИШДА АЙРИМ ХОРИЖИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ТАРҚАТАЁТГАН МИШ-МИШЛАР, АСОСИЙ ДАЪВОЛАР ВА БАШОРАТЛАР ҲАҚИДА

Хар бир миллат, мамлакатнинг бошига турли синовлар, яхши-ёмон, оғир-енгил кунлар тушиши мумкин. Бундай пайтда дўст қўлини чўзади, дарду ташвишинга шерик бўлади, офату балоқазога қарши елкама-елка туриб курашади. Буни халқимиз ҳам ўз ҳаёт тажрибасида кўп бор кўрганга ўсталганча мисоллар келтириш мумкин.

Кунни кеча Тошкентда содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан Президентимиз номига дунё мамлакатлари, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, давлат ва жамоат арбобларидан чуқур ҳамдардлик билдирилган, терроризмга қарши курашда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш таъкидланган мактублар келиши давом этмоқда. Бугун дунё ҳамжамияти терроризмдек офатга, балоқазога қарши биргаликда курашиш зарурлигини аллақачон

англаб етган ва амалий чора-тадбирларни кўрмоқда. Бугун инсоният бошига беҳисоб қулфатлар келтириш кучига эга бўлган турли-туман қурол-яроғлардан кўра терроризм деган вабо кўпроқ хавф солиб турибди. Чунки, ҳар қанча вайронкор куч-қудратга эга бўлмасин бу қуроллар ақли-қуши жойида одамлар қўлида. Терроризм эса соғлом фикрлар бошқарувидан ташқарида. У жой ҳам, миллат ҳам ажратмайди. Бу муҳим, ёвуз кучга қарши курашда дунё оммавий ахборот воситалари афдиллари ҳам фаол иштирок этаётганини ҳеч ким инкор этолмайди. ОАВ террорчилик ҳаракатининг қора ниятлари, маккор йўллари, моддий ва маънавий манбаларидан инсониятни оғох этиб келмоқда. Дунёнинг турли нуқталарида минг-минглаб беғунох одамлар қатори қўллаб-қувватлаш таъкидланган журналистлар ҳам террорчилик

қурбони бўлишганини яхши биламиз. Қандай сабабдан содир этилишидан, кимга қаратилишидан қатъи назар бошдан оёқ муҳдишлик, ваҳшийлик, раҳм-шафқатсизликдан иборат бўлган террорчиликни мутлақо оқлаб бўлмаслиги соғлом фикрли ҳар бир инсонга кундек равшан.

Афсуски, террорчилик ҳаракатлари ҳақида ёзаётган айрим ўзимиздан чиққан сохта демократлар, хорижий журналистлар мақолаларида, тарқатаётган ахборотларида терроризм билан шовинистик қарашлар аралашиб кетаётганга, инсон ҳуқуқи билан жиноятчилик, дин ва диний ақидапарастлик бир қилипга солиниб талқин қилинаётганига ўхшайди. Дижитал билан эътибор берилса, халқ бошига тушган қуфлат, жамиятга етказилган зўлим, ҳалок бўлган инсонлар тақдирини, фарзандидан беҳос ажралиб, юраги хун бўлиб,

қадди букилиб қолган ота-оналар, чирқираб етим қолган болалар тўғрисида инсонга хос мулоҳаза юритиш ўрнига, аллақандай миш-мишлар кетидан қувийш, террорчилар тегирмонига сув қуюдиган гапларни тарқатиш биринчи даражада турганга ўхшайди.

Интернетда «Коммерсантъ»нинг шарҳловчиси Михаил Зигар тарқатган хабар бошдан оёқ кесатик, алаҳзадалик билан тўлиб-тошганини сезиш қийин эмас. Муаллиф ўтган йили Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида ўзи «ғувоҳ» бўлган манзарани тасвирлайди. «Бош майдонда бўладиган катта тантанали концертга қатнашчилар бир ҳафта олдин бутун шаҳар бўйлаб гуруҳлар тайёргарлик қиришди... Лекин байрам арафасида ҳаҳар бирдангина ҳувилаб қолди. Марказга бориладиган барча йўللар юк машиналари

билан тақа-тақ бекитилди, ҳар қадамда навбатчилик қилаётган милиционерлар «Бизда тартиб шунақа» деган мавҳум гапни айтишди.

Хавфсизликнинг бунақа ноинсоний чоралари, терроризм хавфи-хатаридан эди албатта. Аввало, ҳар бир мамлакат ўз халқини кимдан, нимадан қандай ҳимоя қилишни ўзи билади. Терроризм хавфи борлигини жаноб Зигар тан оляяптию айни чоғда «бу ноинсоний чора» дея норози бўлаётганини қандай тушуномқ ҳақ. Ҳар бир мамлакатда ҳукумат бошлиғи ташриф буюрадиган жой атрофи қўриқлангани, жамоат транспорти қатнови вақтинча тўхтатилишидан у хебабарми? Хабар бори албатта, аммо биздаги тартиб негадир унга ёқмайпти. Негалигини ўзи яхши билади албатта.

2-бет

ПРЕЗИДЕНТ РИГАГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 7 апрель кунни давлат ташири билан Латвия Республикасига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

— Латвия Болтиқбўйидаги катта иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди Президент. — Латвия иқтисодий, сиёсий жиҳатдан ўзини анча ўнглаб олган, ислотларни муваффақиятли амалга ошираётган давлатлардан.

Яқинда НАТОга қабул қилинган, тез орада Европа Иттифоқига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирувчи Латвия энди жаҳон иқтисодиётидаги фаолиятини янада кенгайтириши, Европа бо-

зори имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди. Бу Ўзбекистон учун ҳам муҳим. Негаки, мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг салмоқли қисми Латвия денгиз портлари орқали экспорт қилинади. Шу нуқтаи назардан қараганда, Латвиянинг дунё бозорига яқинлашгани биз учун ҳам катта имкониятлар эшиги очилишини аниқлатади.

Ўзбекистон — Латвия ҳамкорлиги изчил ривожланмоқда. Айни пайтда, Ўзаро иқтисодий кўрсаткичларимиз 1998 йил билан солиштирилганда олтимиш фоизга ошган.

Ислам Каримов мамлакатимиз пойтахти ва Бухоро вилоятида амалга оширилган террорчилик

ҳаракатлари хусусида тўхталиб, жумладан бундай деди:

— Жаҳондаги қўлпана, ҳатто энг етакчи мамлакатлар ҳам ўз тарихида мана шундай ташвишли кўнларни бошдан кечирган. Бундай пайтда ўша мамлакатлар халқлари бир тану бир жон бўлиб таҳдидларни бартараф этган, давлат сўбастини қўллаб-қувватлаб, юртда осойишталик ва барқарорликни таъминлашга эришган. Демак, ҳамжиҳатлик, бир мушт бўлиб ҳаракат қилишда гап кўп. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, халқимизни яна бир бор жипсликка, тинчлигимизни, осойишталигимизни бузмоқчи бўлганларга қарши биргаликда курашга даъват этмоқчиман. (ЎЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛАТВИЯ САФАРИ

РИГА. 7 апрель (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташири бошланди. Рига қасрида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради.

Қасрда икки мамлакат Президентлари Ислам Каримов ва Вайра Вике Фрейбергнинг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳоли ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Президентлар таширф ўзаро муносабатларни ривожлантиришда му-

ҳим босқич бўлишини таъкидлаб, бу борада орттирилган тажриба ҳамкорликка янги суръат бериш ва мазмунини бойитиш учун яхши имконият эканлигини қайд этдилар.

Кенгайтирилган тартибдаги музокарада Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга оид масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси билан Латвия Республикаси ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва

бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокарада самарали ўтганини, томонлар мулоқотдан тўла қониқиш ҳосил қилганини, муҳокама этилган халқаро масалаларга нисбатан ёндашув ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидладилар.

Ислам Каримов Вайра Вике Фрейбергга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига таширф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат баҳо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Халқаро муқофотлар жамғармасининг «Муъиззақор Николай» ордени билан тақдирланди.

Президентимизнинг Латвияга давлат ташири давом этмоқда.

Об-ҳаво

БАҲОРДАГИ... ЛАЙЛАКҚОР

Сешанба кунни эрта тонгда ишга отланган пойтахтимиз аҳолиси чинакам қорбўронга учради. Аввалига майдорқ еққан қор хиёл ўтмай, ҳар бири капалақдек келадиган лайлакқорга айланди. Борлиқ бир зумда оқ либосга бурканди, ҳарорат кескин пасайди. Ваҳоланки, бир кун аввал, юртимизда ёз нафаси уфуриб, симо бо устуни 30 даражадан юқорига кўтарилган эди.

Об-ҳаво нега бирдангина бундай ўзгариб қолди? Бунинг қандай сабаблари бор? Яқин орада об-ҳаво қанақа бўлади? Биз шу саволлар билан «Бошгидромет» синоптиги Ирина ЗАЙЦЕВАга мурожаат қилдик.

— Бешинчи апрелдан олтинчи апрелга ўтар кечаси Россиянинг Европа қисми марказий районларида пайдо бўлган совуқ ва нам ҳаво оқими Кавказ ва Туркменистон орқали мамлакатимиз ҳудудига кириб келди, — деди Ирина Борисовна. — Натижада об-ҳаво кескин ўзгарди. Республикаимизнинг барча минтақаларида ёгин-

гарчилик бўлди, шамолнинг эсиши кучайди.

6 апрель тонгтоғарда эса Қозғистон томондан кириб келган совуқ ҳаво оқими зиятти буткул чигаллаштириб юборди, оқибатда мамлакатимизнинг бир қатор туманларида, жумладан пойтахтимизда ёғаётган ёмғир қорга айланди. Ҳаво ҳарорати кескин пастга тушди. Шимолий



ҳудудларда эса кечаси симоб устуни ноль даражани кўрсатди.

Яқин кунларда республикаимизнинг аксарият қисмида ёгингарчилик юз бермайди, фақат 9 апрель кунни марказий ва жанубий вилоятларнинг айрим туманларида бироз ёғимғир ёғиши мумкин.

Ҳарорат кечаси 1-6 даража илқ бўлади. 9-10 апрелда баъзи жойларда туپроқ юзаси музлаши мумкин. Кундузи ҳарорат 10-15 даражадан то 18-23 даражача кўтарилади.

Бобо САРОЙ ёзиб олди

HALQ BANKI — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

QUVA MEBEL XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HANKORI



Лойиҳа

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМOKPАТИК ПАРТИЯСИНИНГ УСТАВИ

(янги тахрири)

Кўриш чизиғи

Бўлаш чизиғи

Туман, шаҳар партия кенгашларининг мол-мулкни ва пул маблағларини тежорлик билан бошқариши, қонда тарқасида тегишли кенгашлар раислари амалга оширадilar.

69-модда. Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини молиялаштириш

Бошланғич партия ташкилотларининг устав фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун партияга аъзолик бадалларидан тушган пулнинг ва амалдаги қонуларга зид бўлмаган бошқа тушумларнинг ҳар йили Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгаши, тегишли ҳудудий партия ташкилоти бюджетини тасдиқлаш билан бир пайтда белгиланадиган миқдордаги қисми ажратилади.

Ушбу маблағларнинг бевосита бошланғич партия ташкилотлари ахтиёрлари учун сарфлашни, уларнинг тақлиғига қўра, тегишли туман, шаҳар партия кенгашларининг ижроия қўмиталари амалга оширадilar.

Бошланғич партия ташкилотлари ўз устав фаолиятлари учун айрим фуқароларнинг уларга ихтиёрий равишда ўтказётган маблағларидан фойдаланишлари мумкин.

X БОБ. ПАРТИЯНИНГ РАМЗЛАРИ

70-модда. Партия рамзлари
Партия ўз рамзлари — байроқ, нишон ва вимпелларга эга бўлади. Улар Марказий Кенгаш пленумида тасдиқланадилар ва қонунда белгиланган тартибда тегишли давлат органларида рўйхатдан ўтказиладилар.

XI БОБ. ПАРТИЯНИНГ УСТАВИ ВА ДАСТУРИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ

71-модда. Партиянинг Устави ва Дастурига ўзгариштирилариш тартиби

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Устави ва Дастурига ўзгариштирилариш Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг фикр-мулоҳазалари ҳисобга олинчи. Марказий Кенгаш тақдими асосида, партия қурултойи қарори билан киритилади. Ушбу масалаларга оид қарор қурултойи мажлисида қатнашадиган делегатларнинг кўпчилиги — учдан икки қисмининг овози билан қабул қилинади.

Марказий Кенгаш Сийёсий ижроия қўмитаси қурултойдан сўнг бир ой муддат ичида, қонунда белгиланган тартибда Уставага киритилган ўзгариштирилариш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиғига маълум қилади ва унга барча зарур ҳужжатлари тақдим этади.

XII БОБ. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

72-модда. Якуний қондалар.
Партиянинг давлат органлари ва бошқа юридик шахслар билан муносабатлари тегишли, партия Уставада кўзда тутилмаган ҳоллардаги масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари мувофиқ ҳал этилади.

24

Кўриш чизиғи

депутатлик бирлашмалари билан умумий нуктаи назар бўйича келишилари ёки уларга нисбатан ижобий муҳолифатда бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг бошқа сийёсий партиялар фракциялари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуктаи назар тўғрисидаги қарори фракция раҳбари томонидан партия Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитаси билан келишилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳининг бошқа сийёсий партияларнинг депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорликда ишлаб чиққан нуктаи назар тўғрисидаги қарори депутатлар гуруҳи раҳбари томонидан тегишли ҳудудий партия кенгаши ижроия қўмитаси билан келишилади ва у ўз наъбатида бу ҳақда Марказий Кенгаш Сийёсий ижроия қўмитасига хабардор қилади.

62-модда. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг халқро ташкилотлар, ҳоржоний сийёсий партиялар ва ҳукуматга қарши бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси халқро ташкилотлар, ҳоржоний сийёсий партиялар ва ҳукуматга қарши бўлмаган ташкилотлар ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан муносабатларини ўз сийёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида таққидланган, партия Дастури ва Уставага зид бўлмаган шаклларида ўрнатади.

VIII БОБ. ПАРТИЯНИНГ МОЛИЯВИЙ МАБЛАҒЛАРИ ВА МУЛКИ

63-модда. Партия фаолиятини молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ва унинг ташкилотлари фаолияти ўз маблағлари ҳисобидан молиявий ва моддий-техник жиҳатдан таъминланади.

64-модда. Партия мулки

Ўзбекистон Халқ демократик партияси тасарруфидаги бинолар, иншоотлар, ҳўжаликлар, наشريётлар, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадида фойдаланиладиган мулк, пул маблағлари, шунингдек партия маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки вужудга келтирилган бошқа мол-мулк партиянинг ўз органлари, муассаса ва ташкилотлари орқали эгаллик қилиш ҳуқуқи объектлари дидр.

Партия кенгашлари, қорхоналари ва муассасалари ўз ихтиёрлигидаги мулк балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка, банк муассасаларида ҳисоб рақамига, ўз номи туширилган муҳрга эгадирлар, ўз омидадан мулкни ва шахсий номулик ҳуқуқларини олишлари ва амалга оширишлари, судда ўз зиммаларига мажбурият олишлари, жавобгар ва даъвогар бўлишлари мумкин.

22

Кўриш чизиғи

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида овоз беришда биргалликда ишлаб чиқилган нуктаи назарларга асосланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ўз фаолияти тўғрисида ҳар йили Марказий Кенгаш пленумига ахборот беради. Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ваколати доирасидаги фаолияти бўйича унинг ҳисоботи партия қурултойида эшитилади.

58-модда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятини партия дастурий ҳужжатлари, тегишли ҳудудий партия ташкилотлари конференциялари томонидан белгиланган парламентчилик фаолияти вазибалари, юқори партия органлари қарорлари, тегишли ҳудудий партия кенгашлари тавсияларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этадилар.

Жуда муҳим масалалар бўйича нуктаи назарларни келишиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳлари ва тегишли ҳудудий партия кенгаши ёки унинг ижроия қўмитасининг биргалликдаги қўшма мажлислари ўтказилиши мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳлари ўз фаолиятини тўғрисида ҳар йили тегишли ҳудудий партия кенгашлари пленумларига ахборот берадилар. Уларнинг ваколат доирасидаги фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботлари тегишли ҳудудий партия ташкилотлари конференцияларида эшитилади.

VII БОБ. ЎЗБЕКISTON ХДПНИНГ БОШҚА СИЙЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ

59-модда. Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикасидаги бошқа сийёсий партиялар ва нодавлат нотижорат ташкилотлар билан шартномавий муносабатлари

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ўзбекистон Республикасининг бошқа сийёсий партиялари билан иттифоқ (блоклар) тузиши, улар ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар (жамоат бirlашмалари, ҳаракатлар, жағмармалар ва ҳокзо) билан шартномавий муносабатлар ўрнатилиши мумкин. Ўзбекистон ХДП номидан тегишли шартнома ва битимлар партия Марказий Кенгашининг раиси томонидан имзоланади.

20

мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сийёсий вазият, инсон ҳуқуқларидаги ривожланишнинг устуздан мониторингини олиб бориш, унинг асосида мажбул муаммоларни ва уларни ҳал этиш имкониятларини аниқлаш, партиянинг тегишли дастурий ҳужжатлари ва тақлифларини ишлаб чиқиш, бунга жамоатчилик эътиборини жалб қилиш; аҳоли ўртасида партиянинг рейтингини ва жамоатчилик фикрини ўрганиш;

партиянинг дастурий мақсадлари ва вазибалари, қарорларини тарғиб қилиш, унинг органлари ва ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги ахборотларни эркин тарқатиш, партиянинг жамиятдаги ижобий имижини яратиш мақсадида йиғилишлар, конференциялар ва бошқа ижтимоий ҳаёмига таълимлик тадбирларни ўтказиш, партия саёбларига янги аъзоларни тортиш ва аҳоли ўртасида унинг тарафдорлари сонини кўпайтириш;

қонунда белгиланган тартибда, наشريётлар, ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситаларининг таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан таққидланган ноширлик фаолиятининг бошқа шакллари амалга ошириш;

партия аъзолари ва тарафдорлари ўртасида, уларнинг сийёсий ва фуқаролик маданиятини шакллантириш бўйича маърифий ишларни олиб бориш;

партияга қабул қилиш, партия аъзолари ҳисобини юритиш, партия органлари ва ташкилотларини тузиш, тугатиш ва қайта ташкил этишга оид ички партиявий ишларни, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва маъзур Уставада кўзда тутилган партия ва унинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа тадбирларни амалга ошириш;

партия ташкилотлари фаолиятининг турли тоифалари учун, уларда партиянинг устав фаолиятини ташкил қилишнинг тегишли қўшимчаларини ҳисобга олиш мақсадида, турли шакллардаги ўқув ва ахборий-маслаҳат қўшимчи ташкил этиш;

Устав вазибаларини амалга ошириш учун фойдаланадиган партия мулки объектларини ривожлантириш ва ишлатиш учун яроқли ҳолатда сақлаб туриш.

Партия ўзининг устав вазибаларини амалга ошириши учун бинолар, иншоотлар, ускуналар, наشريётлар, транспорт воситалари ва бошқа мол-мулкка эга бўлиши, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

4-модда. Партия фаолиятининг ҳудуди
Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудлари доирасида амалга оширади.

5-модда. Партия марказий органларининг қароргоҳи
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг марказий органлари Тошкент шаҳрида жойлашган.

II БОБ. ПАРТИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ

6-модда. Партия аъзолари бирлашувининг асосий ташкилий шакли
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий ташкилий шакли Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий субъектлари доирасида тузиладиган ҳамда партия аъзоларини бевосита тўра жойи, касб-кори ёки жамоатчилик фаолияти бўйича бirlаштирувчи партия ташкилотларидир.

10-модда. Партия аъзолари бirlашмаларининг бошқа шакллари
Партия аъзолари ва партия сайланма органларининг ташаббуси билан партия клублари, сийёсий марказлар, қўшма ишлар ва муаммолар, шу жумладан, касб-кор бўйича ҳам бirlаштирилган хилма-хил шакллари ташкил қилиниши ва фаолият кўрсатиши мумкин. Улар партиянинг дастурий ҳужжатларига асосланган турли масалаларни муҳокама қиладилар, ўз тақлифларини ишлаб чиқдилар ва уларни ҳар қандай даражадаги партия ташкилотлари ҳамда уларнинг сайланма органлари муҳокамага киритадилар.

III БОБ. ПАРТИЯ АЪЗОЛИГИГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА УНДАН ЧИКИШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ. ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

11-модда. Ўзбекистон ХДПга аъзоликнинг қайд этилиши
Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик ягона намунадаги партия билети билан шартноманинг ва ёққа тартибда қайд этилади. Ягона партия билетининг намунаси партия Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитаси томонидан тасдиқланади.

12-модда. Партия аъзолик шартлари
Ўзбекистон Халқ демократик партиясига Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тулган, партиянинг дастурий мақсадларини эътироз этиши ва унинг Уставаини бажарувчи, партиянинг моддий маблағ билан қўллаб-қувватлаб турувчи фуқаро аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзолик фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чекламайди. Унинг аъзоси бир пайтнинг ўзида бошқа сийёсий партияларнинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3

V БОБ. ПАРТИЯНИНГ РАҲБАР, ИЖРОИЯ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

5.1. ПАРТИЯНИНГ РАҲБАР, ИЖРОИЯ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИНИ ТУЗИШ ҲАМДА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

30-модда. Партия раҳбар, ижроия ва назорат органларининг сайлаб қилиниши

Ўзбекистон ХДПнинг барча раҳбар, ижроия ва назорат органлари сайлаб қилинадилар.

Партия аъзолари партия органларини сайлаш чоғида номзодларни чекланмаган миқдорда, шу жумладан ўз номзодини ҳам кўрсатиш ва далиллар асосида рад қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, ҳудудий партия ташкилоти органи аъзоси бир вақтинч узда тегишли партия ташкилоти тафтиш комиссияси аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Партия органларининг тарихий уларнинг ваколатлари муддати тугашидан аввал янгиланиши ёки тўла-тўқис қайтадан сайланиши мумкин.

31-модда. Партия раҳбар ва ижроия органларининг мустақиллиги
Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг раҳбар ва ижроия органлари, юқори партия ташкилотлари олдига уларнинг қарорларини бажариш оқсиздан ҳисобдорлик қондасига амал қилган ҳолда, ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилишда мустақилдилар.

32-модда. Партия раҳбар ва ижроия органларининг қарор қабул қилишлари тартиби
Партиянинг жамоавий раҳбар ва ижроия органлари қарорлари овоз бериш орқали, оддий ёки белгиланган кўпчилигининг овози билан қабул қилинади. Овоз бериш ва унинг яқунларини ҳисоблаш тартиби, агар маъзур Уставада унинг бошқача йўли кўзда тутилган бўлмаса, тегишли партия жамоавий органи йиғилиши иштирокчиларининг ихтиёрига белгиланади.

33-модда. Партия раҳбар ва ижроия органлари қарорларининг мажбурияти
Партия раҳбар ёки ижроия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари тегишли партия органи бirlаштирилган барча партия ташкилотлари ва партия аъзолари учун мажбурийдир.

Партия раҳбар ёки ижроия органи томонидан қабул қилинган қарорлар партиянинг дастурий мақсадлари ва унинг Уставага зид бўлмаса, юқори партия органлари томонидан беқор қилиниши мумкин эмас. Партия аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарорлар бундан мустасно.

34-модда. Партиянинг сайланма органлари ва ташкилотлари фаолиятида жамоатчилик асослари
Партия ташкилотлари, уларнинг сайланма органлари, умуман, жамоатчилик асосида ишлайдилар. Улар партиянинг устав фаолияти масалаларини ҳал этиш учун партия аъзолари ва бошқа фуқароларни жамоатчилик ишларида жалб этишнинг қўнчиликка зид бўлмаган ҳар қандай шаклларида фойдаланишлари мумкин. Бунда тегишли вазибалар ишдан ташқари вақтда бажарилиши шарт.

10

Партия аъзосининг Ўзбекистон ХДП сафларидан ихтиёрий чиқиб тўғрисидаги қарори бошланғич партия ташкилоти томонидан маълумот учун қабул қилинади ва тегишли туман, шаҳар партия кенгашига етказилади.

IV БОБ. ПАРТИЯНИНГ ТАРКИБИЙ БЎГИНЛАРИНИ ТУЗИШ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТАРҚАТИШ ТАРТИБИ

22-модда. Бошланғич партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тартиби

Бошланғич партия ташкилотлари партия аъзоларининг турар жойлари, касб-кор ва жамоатчилик фаолиятлари бўйича, тегишли ташкилотта бirlашадиган партия аъзоларининг фикрини ҳисобга олган ҳолда, тегишли туман, шаҳар партия кенгашлари қарори билан тузилади, қайта ташкил этилади (қўшилади, бўлинади) ва тарқатилади.

Бошланғич партия ташкилоти таркибиде, зарурат туғилганда, ҳар бир гуруҳга камиде уч нафар партия аъзоси бirlаштирилшига оид шартта рио қилинган ҳолда, партия гуруҳларини тузиш, шунингдек уларни қайтадан ташкил этиш (қўшиш, бўлиш) ва тарқатиш тўғрисидаги тегишли йиғилишларни бошланғич партия ташкилотининг раиси ташкил этади.

Янги ташкил этилаётган бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳи унинг таъсис йиғилиши ўтказилгандан кейин тузилган ҳисобланади.

23-модда. Ҳудудий партия ташкилотларини тузиш, қайта ташкил этиш ва тарқатиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитаси қарорига бinoан Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ҳудудлари доирасида (Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотлари), шунингдек улар таркибидеги республика ва вилоятлар тасарруфидаги туман, шаҳарларда (туман, шаҳар партия ташкилотлари) партия ташкилотлари тузилади ва қонда тарқасида Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий субъектлари ўзгарганда (қўшилганда, бўлинганда) қайтадан ташкил этилади ва тарқатилади.

Ўзбекистон ХДП туман, шаҳар ташкилотлари таркибиде айрим ҳудудлар ёки аҳоли яшаш пунктларида қўшимча партия ташкилотлари тузилиши, шунингдек қайтадан ташкил этилиши (қўшилиши, бўлиниши) ва тарқатилиши лозим тоғилган ҳолларда, ва ҳақдаги қарорни тегишли (Қорақалпоғистон республика, вилоят, Тошкент шаҳар) юқори партия кенгашлари партия Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитаси билан келишган ҳолда қабул қилиди.

24-модда. Янгидан тузилган ҳудудий партия ташкилотининг ташкилий қўмитаси ва таъсис конференцияси
Партия органи янги ҳудудий партия ташкилотини тузиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда ташкилий қўмитани ҳам тузади ва қарор қабул қилингандан кейин бир ой давомида таъсис конференциясини чакрилади.

25-модда. Ҳудудий партия ташкилотининг юридик шахс макҳими
Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари, шунингдек улар таркибидеги туман, шаҳар партия ташкилотлари юридик шахс макҳими эгадирлар.

8

Уставнинг айрим қондаларини қўллаш тартибига аниқлик киритувчи, барча партия ташкилотлари учун бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлайди;

Ўзбекистон Халқ демократик партияси қурултойи берадиган бошқа ваколатларни амалга оширади.

41-модда. Партия Марказий Кенгашининг ишчи органлари
Марказий Кенгашнинг доимий ишчи органлари қуйидагилар: партия Марказий Кенгашининг Сийёсий ижроия қўмитаси (Сийёсий ижроия қўмитаси); партия Марказий Кенгаши Сийёсий ижроия қўмитасининг Ҳайъати.

Зарур бўлганда, партия устав фаолиятининг айрим йўналишлари бўйича Марказий Кенгаш аъзолари, партиянинг бошқа аъзолари ва жалб этилган экспертлардан иборат Марказий Кенгаш комиссиялари, ишчи гуруҳлари ва бошқа вақтинчилик ишчи органлари тузилиши мумкин.

42-модда. Партия Марказий Кенгашининг Сийёсий ижроия қўмитаси
Сийёсий ижроия қўмитаси партиянинг марказий ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир.

Сийёсий ижроия қўмитаси Марказий Кенгашнинг пленумлари оралиғидаги даврда, қурултой ва Марказий Кенгаш унга берган ваколатлар доирасида, Ўзбекистон ХДПнинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан ҳаракат қилади.

Марказий Кенгашнинг Сийёсий ижроия қўмитаси пленумда сайланган Марказий Кенгаш раиси, раис ўринбосарлари ва Сийёсий ижроия қўмитасининг бошқа аъзоларидан иборат бўлади. Қорақалпоғистон республика партия ташкилоти Сийёсий ижроия қўмитасига ўз вақтинчи раисини қўйишига эга.

Сийёсий ижроия қўмитаси раисининг заруратга қараб ўтказилади ва унда унинг аъзоларининг раисидан қўйи қатнашган тақдирда, қонуний ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Сийёсий ижроия қўмитаси доирасида қабул қилган қарорлар барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Марказий Кенгаш Сийёсий ижроия қўмитаси раисининг бошқа аъзолари билан ҳаракатлар билан муносабатларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси номидан иш юритади;

партия қурултойлари ва Марказий Кенгаш пленумлари қарорларининг бажарилишини ташкил қилади ва Ўзбекистон ХДПнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасининг бўшаб қолган депутатлари ўрнига ўтказилмаган сайловларда партия иштирок қилган тақдирда, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатади;

партия марказий оммавий ахборот воситалари таҳриратларининг аъзоларини тасдиқлайди;

партиянинг муассасаларини, қорхоналарини ташкил этади, уларнинг уставларини тасдиқлайди ва раҳбарларини тайинлайди, фаолиятини назорат қилади;

Марказий Кенгаш пленуми томонидан унга берилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

16

46-модда. Ҳудудий партия кенгаши
Ҳудудий партия кенгаши конференциялар оралиғида тегишли ҳудудий партия ташкилотининг раҳбар органи бўлиб, унинг манфаатларини ифода этади ва унинг номидан иш юритади.

Ҳудудий партия кенгаши қўйи партия ташкилотларининг белгиланган тенг миқдор бўйича сайланиб юборилган вақилларидан ҳамда тегишли кенгаш аъзолари умумий сонининг бешдан бир қисминдан ошмаган миқдорда конференция сайлайдиган аъзолардан иборат бўлади.

Ўзбекистон ХДП ҳудудий кенгашлари сайлаш учун меъёр тегишли кенгаш пленуми томонидан, қонда тарқасида конференция чакри

43-модда. Партия Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроқўми Хайъати
Партия Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроқўми Хайъати пленумларида сайланган Марказий Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларидан иборат бўлади ва партиянинг марказий ижроия-фармоий бевуҳи органи ҳисобланади.

Сийёсий Ижроқўм Хайъати йиғилиши заруратга қараб ўтказилади. Сийёсий Ижроқўм Хайъатининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари барча партия ташкилотлари ва кенгашлари учун мажбурийдир.

Партия Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроқўми Хайъати: Узебекистон ХДП Марказий Кенгаши ва унинг Сийёсий Ижроқўми қарорларини бажариш бўйича партиянинг барча бўғинлари иштини мувофиқлаштирилади.

Марказий Кенгашнинг ишчи аппаратини ташкил ва унга раҳбарлик қилади; партия мол-мулки ва маблағларини, унинг қорона ҳамда муассасалари фаолиятини амалий бошқаришни ташкил этади; партия Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроқўми берган бошқа ваколатларини амалга оширади.

44-модда. Партия Марказий Кенгаши раиси
Партия Марказий Кенгаши раиси Марказий Кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Партия Марказий Кенгаши раиси: Узебекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг вакили сифатида унинг номидан бошқа юридик шахслар билан партиянинг муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

партия Марказий Кенгаши пленумлари, Сийёсий Ижроқўми ва унинг Хайъати мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди; у партия қурултойи ва Марказий Кенгаши берган бошқа ваколатларини амалга оширади.

Марказий Кенгаш раиси йўқлигида унинг вазифасини раис ўринбосарларидан бири бажаради.

Марказий Кенгаш раиси Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида депутат этиб сайланган тақдирда, у Узебекистон Халқ демократик партиясининг Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида тузилган фракциясига ҳам раҳбарлик қилади.

5.3. ХУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАХБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

45-модда. Худудий партия ташкилотининг конференцияси
Партия конференцияси худудий партия ташкилотининг олий органидир.

Худудий партия ташкилотининг конференцияси тегишли партия кенгашининг қарорига, юқори партия органининг тақлифига ёки мажбурий партия ташкилоти аъзоларининг қарорига ҳамда уларнинг қўллаш-қўллашувчи партия ташкилотларининг талабига биноан чакирлади.

Худудий партия ташкилотларининг навбатдаги конференциялари партия Марказий Кенгаши пленуми томонидан белгиланган муддатларда беш йилда камида бир марта чакирлади.

35-модда. Партия ижроия органи ишчи аппарати
Партия ижроия органи, ўз ваколатлари доирасида устав фаолиятларини ахборот-таҳлил, таҳминий-социологик, ташкилий ва маънавий хизматни билан таъминлаш учун ўзларига бўйсундиган, меҳнат шартномаларига мувофиқ ташкил қилинадиган ишчи аппаратини ташкил этади. Аппарат ходимларига нисбатан меҳнат, ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта тўғрисидаги қўнучилик қўлланилади.

36-модда. Партия раҳбар ва ижроия органи фаолиятини назорат қилиш
Партия раҳбар ва ижроия органи фаолиятини устидан назорат қилиш уларнинг вақти-вақти билан тегишли партия ташкилотлари ва юқори партия органи олдига ҳисобот беришлари билан таъминланади.

Партия органи, ташкилотларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти ва партия бюджетининг тўғри шаклланиши ҳамда маблағларнинг сарфланиши устидан назорат Марказий Тафтиш Комиссияси ва худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5.2. ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ ХАМДА МАРКАЗИЙ РАХБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

37-модда. Партия қурултойи
Узебекистон Халқ демократик партиясининг олий раҳбар органи қурултойидир. Навбатдаги қурултойлар партия Марказий Кенгаши томонидан 5 йил ичида камида бир марта, қонда тарихида Узебекистон Республикаси Президентлигининг ҳамда Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасига ўтказилганда қўллаб-қувватланади.

Партиянинг навбатдан ташқари қурултойи Марказий Кенгашнинг ташаббуси билан ёки партия аъзолари умумий сонининг камида учдан бир қисмини бirlaштирган партия ташкилотларининг талабига мувофиқ чакирлади. Бу ҳолда у Марказий Кенгаш томонидан бир ой мuddat ичида чакирлади ва унда барча партия аъзоларининг камида ярмининг вакилини таъминланган тақдирда, қўнучий ҳуқуққа эга бўлади.

38-модда. Партия қурултойининг ваколатлари
Узебекистон Халқ демократик партиясининг қурултойи: делегатларнинг ваколатларини текширади, ўзининг иш тартибининг белгилайди, зарур раҳбар ва ишчи органларини сайлайди; Узебекистон Республикасининг ички ва ташқи сийёсати масалалари юзасидан партиянинг нуктаи назарини ишлаб чиқади. Узебекистон Халқ демократик партиясининг Дастурини, бошқа умумпартиявий сийёсий ҳужжатларни қабул қилади, қайта кўриб чиқади ва уларга ўзгартиришлар киритади;

Узебекистон Халқ демократик партиясининг Уставини қабул қилади, зарур ҳолларда қайта кўриб чиқади ва унга ўзгартиришлар киритади;

Мажбурий Уставда кўзда тутилган, Марказий Кенгаш ва Марказий Тафтиш Комиссияси аъзоларининг бир қисмини сайлайди;

I БОБ. ПАРТИЯНИНГ НОМИ, МАКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

1-модда. Партиянинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли
Узебекистон Халқ демократик партияси (қисқача - Узебекистон ХДП) турли ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг сийёсий иродасини ифодаловчи ва ўзининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этувчи Узебекистон Республикаси фуқароларини қўнчили тарзда бirlaштирувчи сийёсий партиядир.

Узебекистон Республикасининг Конституцияси, «Сийёсий партиялар тўғрисидаги» Узебекистон Республикаси Қонуни ва Узебекистон Республикасининг бошқа қўнучилик ҳужжатлари Узебекистон Халқ демократик партияси фаолиятининг қўнучий асосларидир.

2-модда. Партия устав фаолиятининг бош мақсади
Узебекистон Халқ демократик партияси устав фаолиятининг бош мақсади - ҳар бир оила ва меҳнат қилишининг, уларнинг миллати, дини, этники, ижтимоий ҳаёли ва келиб чиқишидан қатъий назар, моддий ва маънавий фаровон ҳаёт кечирishi учун тенг имкониятлар яратиш, одамларнинг конституций ҳуқуқлари ва инсоний эркинликларини қўллаш, уларнинг шакли ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечирishiини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Партия ўзининг асосий ижтимоий таянчи - ишчилар, қўшлов меҳнатчилари, муҳандис-техник, илимий ва ижодий ходимлар, ўқитувчи ва шифокорлар, хизматчилар, ўқувчи ёшлар ва пенсионерларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, Узебекистонда қўнчили ҳуқуқий демократик давлат, инсонлар, адолатли жамият қуришининг изчил тарафдори сифатида ҳаракат қилади.

Узебекистон Халқ демократик партияси Узебекистонда жамиятнинг шундай сийёсий ва давлат тўзилишига интиладики, у сийёсий ва иқтисодий эркинликлар, демократия ва қўнучилик, тенглик ва ижтимоий адолат каби умуминсоний тамойиллардан келиб чиқиб, ҳар бир кишининг тинч ва оқойишта ҳаёти, фаровонлиги ва бутун мамлакатнинг гуллаб-яшнашини таъминласин.

3-модда. Партия устав фаолиятининг асосий вазифалари
Партия устав фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилар: қонунда белгиланган тартибда, Узебекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиш;

қонунда белгиланган тартибда, Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органиларига сайловларда, уларда ўз вакилликни таъминлаш мақсадида иштирок этиш;

сайловларда тегишли натижаларга эришганда, Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида партия фракцияси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органиларига партиянинг депутатлик гуруҳларини тузиш, уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда қўнучилар ва бошқа давлат қарорларини тайёрлашда иштирок этиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун ўзга ташкилий шакллардан ҳам фойдаланиш;

партиядан Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакилик органиларига сайланган депутатларга ўз депутатлик ваколатларини тегишли сайлов округларида ижро этишларига бевосита қўллаш;

худудий партия ташкилоти конференцияси томонидан берилган бошқа ваколатларини амалга оширади.

48-модда. Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси
Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси тегишли худудий партия ташкилотининг ижроия ва мувофиқлаштирувчи органидир. Худудий партия кенгаши пленумлари оралигидаги даврда ижроия қўмита, унга берилган ваколатлар доирасида, тегишли худудий партия ташкилотининг манфаатларини ифода этади, унинг номидан иш юритади.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси кенгаш раиси, унинг ўринбосари ва ижроия қўмитанинг бошқа аъзоларини иборатдир.

Ижроия қўмитаси мажлислари заруратга қараб ўтказилади ва уларда ижроия аъзоларининг ярмидан кўпи қатнашса, у қўнучий ҳуқуққа эга, деб ҳисобланади.

Ижроия қўмитанинг ўз ваколатларини доирасида қабул қилган қарорлари барча қўнчили ташкилотлар учун мажбурийдир.

Худудий партия кенгаши ижроия қўмитаси: худудий партия ташкилоти ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгаши пленумлари, юқори партия ташкилоти қарорларининг бажарилишини ташкил этади, шу мақсадда қўнчили ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирилади;

тегишли давлат ҳокимияти вакилик органидаги Узебекистон ХДП депутатлик гуруҳи фаолиятини мувофиқлаштирилади; кенгашнинг ишчи аппаратида бевосита раҳбарлик қилади; худудий партия ташкилоти конференцияси берган бошқа ваколатларини амалга оширади.

49-модда. Худудий партия кенгаши раиси
Худудий партия кенгаши раиси кенгаш пленумида унинг аъзолари орасидан сайланади.

Худудий партия кенгаши раиси: худудий партия кенгаши вакили бўлиб, унинг номидан худудий партия кенгашининг бошқа юридик шахслар билан муносабатларини мувофиқлаштирувчи шартномалар, битимлар, баённомалар ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;

худудий партия кенгаши пленумлари, унинг ижроия қўмитаси мажлисларини олиб боради, улар қабул қилган қарорларни имзолайди; унга худудий партия ташкилоти конференцияси ва худудий партия кенгаши берган бошқа ваколатларини амалга оширади.

Худудий партия кенгаши раиси тегишли давлат ҳокимияти вакилик органи депутати этиб сайланган тақдирда, у Узебекистон Халқ демократик партиясининг ушбу оғанда тузилган депутатлик гуруҳига ҳам раҳбарлик қилади.

5.4. БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАХБАР ВА ИЖРОИЯ ОРГАНЛАРИ

50-модда. Умумий партия йиғилиши
Умумий партия йиғилиши бошланғич партия ташкилоти, партия гуруҳининг раҳбар органидир. У заруратга қараб, ашмо бир йилда камида бир марта ўтказилади.

Бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишини ўтказишнинг иложи бўлмаган тақдирда, унинг ижроия қўмитаси юқорида белгиланган муддат ичида конференция чакирди ёки партия гуруҳларида ягона қўнчили билан мажлислар ўтказилишини ташкил этади.

Янгидан тузилган худудий партия ташкилоти қонунда белгиланган тартибда Узебекистон Республикасининг тегишли худудий субъекти олдига органида рўйхатга олингандан кейин юридик шахс макрomini олади.

26-модда. Худудий партия ташкилотлари фаолиятини тўхтатиш тартиби
Узебекистон ХДП худудий (Коракалпоғистон республика, вилоят, туман, шаҳар) ташкилотлари партия Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроия қўмитасининг, уларнинг қайтадан ташкил этилиши (қўшилиши, бўлиниши) ёки тарқилишини муносабати билан қабул қилган қарорига биноан, амалдаги қўнучиликда нотижорат ташкилот бўлган юридик шахсни тўхтатиш учун белгиланган тартибда, тегишли партия кенгаши ижроия қўмитаси зиммасига тўхтатиш комиссияси вазифаларини қўллаш орқали амалга оширилади.

27-модда. Партия фаолиятини тўхтатиш тартиби
Узебекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти, у ўзини ўзи тарқатиб юбориши натижасида ёки «Сийёсий партиялар тўғрисидаги» Қўнучининг 11-моддаси 3-қисмида қайд этилган асослар билан, Узебекистон Республикаси Олий судининг қарорига мувофиқ тугатилиши мумкин.

Ушбу ўзи тарқатиб юбориш тўғрисидаги қарорни партия қурултойи, унинг барча ташкилотлари фикрини ҳисобга олиб қабул қилади ва қурултойи делегатларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирда, ҳақиқий деб ҳисобланади.

Узебекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти тўхтатилган тақдирда, юридик шахсни тўхтатиш юзасидан қонунда қўзда тутилган бажариладиган иш тартиби бўйича тўхтатиш комиссиясининг вазифалари Марказий Кенгаш Сийёсий Ижроия қўмитаси томонидан амалга оширилади. Бошқа юридик шахслар билан ушбу ҳисоб-китоблар қилингандан сўнг партия мулкни Уставда қўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади ёки партия қурултойи белгиланган ҳуқуқий ворисга топширилади.

28-модда. Партия депутатлик бирлашмаларини тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тартиби
Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасидаги Узебекистон Халқ демократик партияси фракцияси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳларини тузиш ва фаолиятини тўхтатиш давлат ҳокимиятининг тегишли қўнучилик-вакилик органидаги депутатлик бирлашмаларини тузиш ва фаолиятини тўхтатиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

29-модда. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмаларини тузиш ва тўхтатиш тартиби
Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмалари заруратга қараб:

Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасидаги сайлов ўтказувчи округларда - Узебекистон ХДП Марказий Кенгаши Сийёсий Ижроия қўмитаси қарори билан;

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги сайлов ўтказувчи округларда - Узебекистон ХДП тегишли худудий кенгашлари ижроия қўмиталари қарори билан тузилади ва тугатилади.

Қонунда қўзда тутилган тартибда, давлат ҳокимиятининг қўнучилик-вакилик органиларидан партиядан қўрсатилган депутатлардан иборат тузиладиган депутатлик бирлашмалари ушбу органиларда партия манфаатларини ифодалашнинг ташкилий шаклидир.

Партиянинг сайловларда иштироки билан боғлиқ устав фаолиятини амалга ошириш учун сайлов округларида партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмалари тузилиши мумкин.

Дастурий вазифаларини ҳал этиш мақсадида партия аъзоларининг бошқа шаклдаги бирлашмаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

7-модда. Партия ташкилотлари
Узебекистон Халқ демократик партияси худудий ва бошланғич партия ташкилотларидан иборат.

Худудий партия ташкилотлари: Коракалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри (бундан бундан - Узебекистон Республикаси субъектлари) доирасида Узебекистон Республикаси тегишли худудларининг туман ва шаҳарларида тузиладиган партия ташкилотларини бirlaштириш учун:

республика ва вилоятга бўйсундиган туман ва шаҳарлар доирасида, шунингдек лозим топилган ҳолларда, улар таркибига киридиган худудлар ва аҳоли яшаш пунктларида бошланғич партия ташкилотларини бirlaштириш учун тузилади.

Бошланғич партия ташкилотлари, камида беш нафар партия аъзоларини бевосита бirlaштириш мақсадида, уларнинг истикомат жойи, касб-кори ва жамоатчилик фаолияти бўйича, шундай бirlaшуш учун қўнучий келювлар бўлмаган ҳолларда тузилади. Зарур ҳолларда бошланғич партия ташкилотлари таркибидан партия гуруҳлари тузилиши мумкин.

Партия ташкилотларини ҳамда улар таркибидан партия гуруҳларини тузиш, қайта ташкил этиш (булиш, қўшиш ва бошқалар) ва тарқатиш тартиби мажбурий асослар билан белгиланади.

8-модда. Партиянинг депутатлик бирлашмалари
Партия манфаатларини давлат ҳокимияти қўнучилик-вакилик органиларда ушшоққили билан ифодалаш мақсадида қонунда белгиланган тартибда:

Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасидаги Узебекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси - Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасига партиядан қўрсатилган депутатлардан;

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги Узебекистон Халқ демократик партиясининг депутатлик гуруҳлари - давлат ҳокимияти тегишли вакилик органиларига партиядан қўрсатилган депутатлардан тузилади.

Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасидаги Узебекистон Халқ демократик партияси фракциясининг фаолиятини партия марказий раҳбар органи томонидан мувофиқлаштирилади.

Коракалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгаши, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги Узебекистон Халқ демократик партияси депутатлик гуруҳлари фаолияти тегишли худудий партия ташкилотларининг раҳбар органи томонидан мувофиқлаштирилади.

9-модда. Сайлов округларидаги партия гуруҳлари ва партия ташкилотларининг округ бирлашмалари

13-модда. Партия аъзолигига қабул қилиш тартиби
Партия аъзолигига яқна тартибда, унга кирувчининг аризаси ва Узебекистон ХДП ички нафар аъзоларининг тавсиясига биноан қабул қилинади.

Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор партияга кирувчи мурожаат этган жойдаги туман, шаҳар партия ташкилотининг раиси томонидан қабул қилинади ва унинг турар жойи, касб-кори ёки жамоатчилик фаолияти бўйича тегишли бошланғич партия ташкилотига бу ҳақда маълум қилинади.

Илгари бошқа сийёсий партиялар аъзоси бўлиб, улар таркибидан чиққан Узебекистон Республикаси фуқаролари Узебекистон ХДП аъзолигига умумий тартибда қабул қилинади.

14-модда. Партия аъзоларини ҳуқуқлари
Партиянинг барча аъзолари тенг ҳуқуқлидирлар. Улар қуйдаги ҳуқуқларга эгадирлар:

уш нуктаи назарларини эркин баён этиш, партия сийёсати ва унинг ички турмуши масалаларини кўтариб чиқиш ва муҳожама қилиш, улар юзасидан қарорларнинг ишлаб чиқишида қатнашиш;

партия органиларига сайлаш ва сайланиш, уларнинг иши ҳақида ахборот олиш;

барча даражадаги давлат ҳокимияти вакилик органиларига сайланиш учун қонунда белгиланган тартибда партиядан номзод этиб қўрсатилиш;

ҳар қандай партия органи ҳамда партиянинг ҳар қандай аъзоси фаолияти баҳо бериш ва уларни танқид қилиш;

ҳар қандай партия органига ариза ва тақлифлар билан мурожаат этиш ва ундан жаоб олиш;

фаолияти Узебекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида мувофиқ олиб бориладиган ҳамда партиянинг дастурий мақсадлари ва Устави қонунларида қайд бўлмаган оммавий таъшилот ташкилоти ҳамда ҳаракатларини ишда қатнашиш.

Марказий Тафтиш Комиссиясига сайланган меъбери Марказий Кенгаш пленуми томонидан, қонда тарихида партия қурултойини чакирди тўғрисидаги қарорни қабул қилиш билан бир вақтда белгиланади.

Узебекистон ХДП Марказий Тафтиш Комиссияси ўз фаолиятида партия Уставига ва партия қурултойи тақлифидан Марказий Тафтиш Комиссияси тўғрисидаги Низомага амал қилади.

53-модда. Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари
Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тегишли худудий партия кенгашлари, қўнчили партия ташкилотларининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ва партия бюджетининг тўғри шаклланишини ҳамда сарфланишини назорат қиливчи органилардир.

Тафтиш комиссиялари аъзолари тегишли худудий партия ташкилотларининг конференцияларида сайланадилар. Тафтиш комиссиясининг аъзоси бир вақтининг ўзида худудий партия кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари ўз фаолиятларида партия Уставига ва Марказий Кенгаш Сийёсий Ижроия қўмитаси тақлифидан худудий партия ташкилотларининг тафтиш комиссиялари тўғрисидаги Низомага амал қиладилар.

VI БОБ. ПАРТИЯНИНГ САЙЛОВЛАРДА ИШТИРОКИ. ПАРТИЯ ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

54-модда. Партиянинг Узебекистон Республикаси Президенти сайловига иштироки
Партиянинг Узебекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиши тартиби Узебекистон Республикаси Конституциясида ва Узебекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун билан белгиланади.

Партиянинг Узебекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилингандан кейин бир ҳафта мuddat ичида, Сийёсий Ижроқўм томонидан чакирилган партия Марказий Кенгаши пленумида қабул қилинади.

Узебекистон Республикаси Президентлигига номзод партия қурултойида қўрсатилади. Бу ҳақдаги қарор қурултойи делегатларининг қўнчили ёқлаб овоз берган тақдирда қабул қилинади ва қонунда белгиланган тартибда, тегишли баённома билан расмийлаштирилиб, Марказий сайлов комиссиясига топширилади.

55-модда. Партиянинг Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида сайловига иштироки
Партиянинг Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида сайловига иштирок этиши тартиби Узебекистон Республикаси Конституциясида ва Узебекистон Республикаси Олий Мажлисида сайлов тўғрисидаги Қонун билан белгиланади.

Партиянинг Узебекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қўнучилик палатасида сайловига иштирок этиши тўғрисидаги қарор, сайлов мавсуми бошланиши эълон қилингандан кейин бир ҳафта мuddat ичида, Марказий Кенгашнинг Сийёсий Ижроқўми томонидан қабул қилинади.

17-модда. Партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиш ва қайта тиклаш
Партия аъзоси бошланғич партия ташкилоти билан келишган ҳолда ўзининг партияга аъзолигини вақтинча тўхтатиб туриши мумкин. Бу ҳақда у бошланғич партия ташкилотини ёзма равишда, ўзи қабул қилган қарори сабабларини қўрсатган ҳолда хабардор қилади.

Партияга аъзолигини

Машиий хизмат сизга манзурми?

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛДИ-Ю... БАРИБИР ИШЛАМАДИ

ЎХУД ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЕРУНИЙ ТУМАНИ ОВУЛЛАРИ ВА
ШАҲАРЧАЛАРИДА АҲОЛИГА МАШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ АҲВОЛИ ҲАҚИДА

— Туманимиз маркази ва қишлоқларимизда айни кунда 86 ўринда машиий хизмат кўрсатиш шаҳобчалари мавжуд. Хусусий тадбиркорларнинг саргарошлик, этикдўзлик, тикиш-бичиш, машиий техника соҳасида устаконалари, фотосалонлар мижозлар хизматида, — дейди Беруний тумани ҳокими муовини Махмуд Каримов. — Ҳаммомларнинг кўпчилиги хусусийлаштирилган, айримлари ишлаётган...

1980 йилларда туманда соатиға 40-50 кишини қабул қилишга мўлжалланган, пишиқ гишдан бир хил услубда қурилган, барча қулайликларга эга 8 та ҳаммом бор эди. Уша пайтларда бу ҳаммомлар хизмати овоза бўлган, одамлар иштиёқ билан келишарди. Бирок, кўпчилиги қишлоқ хўжалик ширкатлари балансида бўлган ҳаммомларни сақлаш ва таъмирлашга ширкатларнинг қурби етмай қолган, улар хусусийлаштирилди. Албатта, қайси соҳада бўлмасин, мулк эгаси сотиб олинган бинодан тўла фойдаланиш, сарфлаган маблағини чиқариб олиш ва фойда қўришни ўйлайди. Ҳаммом учун мижоз муаммоси ҳақида бош қотирмас ҳам бўлади. Фақат, одамларни ўзига тортидиган шароит ва хизматлар муҳайё қилинса, бас.

— Яхши хизматимиз билан фақат ширкатимизда эмас, шаҳарликлар, қўшни туманлардан ҳам доимий мижозларимиз бўлишга эришяпмиз. Ҳар бир номерда сауна, бўҳона бор. Қўшимча хизмат — буфет, саргарошхона ташкил қилганмиз. Кунига камиди 40-50 мижоз келади. Барча харажатларимизни қоплашдан ташқари, ойига камиди 50 минг сўф даромад қоляпти, — дейди «Шоббоз» ширкат хўжалигидаги ҳаммом мудир Шариф Бобониезов.

Афсуски, бу даромад бераётган ягона ҳаммом экан. Навоий номи ширкат хўжалигидаги ҳаммомни хусусийлаштириб олган Сайинназар Дўсим-

бетов фойда чиқимларни қопламаслигини, бино ҳақини ҳам фермер хўжалиги даромадидан тўлаганлигини айтиб, газ ҳақи қимматлигини айтди.

— Шоббоздаги ҳаммом шаҳарга яқин, бизники қишлоқ ичида бўлгани учун одамлар кам келади, — деди у.

Навоий овул фуқаролар йиғини ҳудудида аҳоли салкам 8 минг кишини ташкил этишини, 1270 га яқин хонадоннинг атиги 10 фоизда ҳаммом борлигини ҳисоб-китоб қиладиган бўлса, бу ҳаммом фақат фойда келтириши мумкинлигига ишонч ҳосил қиласиз. Аммо, бунинг учун тадбиркор баҳона эмас, одамларни ўзига жалб этадиган шароит яратиш тўғрисида ўйлаши лозимга ўхшайди.

«Азат» ширкат хўжалигидаги ҳаммом эгаси Бозорбой Шомуродов ҳам сотиб олган мулкидан фойда қўролмай боши қотиб юрибди. Ширкат хўжалигига водопровод тармоқлари тортилмаган, газлаштирилган бўлса-да босим жуда паст. Тадбиркор бир неча йил сувни машинада ташиб келтириб, ушовидан тушови қимматга тушаётганини кўрди-ю, фаолиятини тўхтатди.

— Ҳаммом туғул, ичгани сув муаммо, артезиан қудуқларидан фойдаланяпмиз, — дейди овул фуқаролар йиғини раиси Сапарбой Ёғжимов.

Туман сув тақсимлаш шох бекати шундоқ ширкат ҳудудида жойлашган. Унинг ёнидан аҳоли уйлари бошланиб кетади. Бекат билан марказ, жумладан ҳаммом орасида атиги 2-3 километр масофа бор, холос.

— Раҳбарларга ёза-ёза чарчадик. Ҳар йили келгуси йил режага кирди, деб ваъда беришди, ҳамон артезианнинг шўр сувида инчяпмиз, — дейишди азатликлар.


Махтумқули номли ширкат хўжалигидаги ҳаммомнинг ишламаётгани сабабини билмадик, чунки эшигида салмоқли қулф, эгасини излаб топилмадик. Аммо

ҳаммомнинг анчадан буён ишламаётгани аниқ — қўркамгина гиштин бинонинг атрофини янгол босиб кетганидан, қўшимча биндо очик-сочик хувиллаб ётганидан бу ерга анчадан буён инсон қадами етмаганини фахмлаб олса бўлади.

Ҳаммомлар фаолияти сабаб, кўпроқ хусусийлаштиришга алоқадор саволлар юзага чиқди. Хусусийлаштирилган объект, айнақисса, ҳаммомдек инсон озодалиги, демакки, саломатлигига алоқадор масканларнинг мунтазам ишлашини қимдир назорат қилса керак? Бу масаланинг бир томони. Иккинчиси — мулк эгасининг фақат ўзига боғлиқ бўлмаган, қурби етмайдиган иш шароитларини яратиб беришга ҳам масъуллар бордир.

...Яқинда Беруний шаҳри марказидаги ҳаммом ҳам хусусийлаштирилди. Тадбиркор Давлат Қурбониезов уни икки ярим миллион сўмга сотиб олди. Тўғриси, хозир бу пулга бундай бино пойдевори ҳам қуриб бўлмайдди. Аммо, уни таъмирлаш учун анча маблағ сарфлаш керак, кўп нарсалар талон-тароҳ қилинган... Тадбиркор ҳаммомни йил охирида ишга тушириш ниятида. Айтинг-айтинг, ишқилиб мулк эгасига тушган бўлсин. Шунда шаҳарликлар ҳам мунтазам ишлайдиган ўз ҳаммомларига эга бўлишга ажаб эмас. Хусусийлаштирилган бундай машиий хизмат нуқталари ҳақиқий эгасини топса ва янгидан яратилаётган хизмат кўрсатиш шаҳобчалари муаммолари ўрганилса, мутасадди раҳбарлар томонидан лозим кўмак берилиб, улар қўллаб-қувватланса, машиий хизмат даражаси кўтарилиши, шубҳасиз. Йўқса, аҳвол ўтган йил туманда аҳоли жон бошига бу борада атиги 501,3 сўмдан хизмат кўрсатилганидек бўлиб қолавериши тайин.

**Шерофат
Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири**



ПРЕЗИДЕНТГА СУИҚАСД

Ингушетия Президентини Мурат Зязиков жонига террорчи-камикадзе суиқасд уюштирди, дейилади «Интерфакс» ахборотида. Республика етакчисининг матбуот қотиби Исса Мерзоевнинг айтишича, уч автобилдан иборат Президент қортежи йўлда кетаётган пайтда, яъни Назаран билан Ингушетия пойтахти Магас шаҳри ўртасидаги масофада кучли портлаш юз берган. Мурат Зязиков ва унинг 6 нафар қўриқчиси енгил жароҳат олди.

Аниқлаштиришча, портловчи машина ўрнатилган «ВАЗ-2107» автомашинасидаги террорчи-камикадзе қортеж йўлини кесиб чиқиб, портлатмоқчи бўлган. Бирок қўриқчилар автомобилни «Жигули» йўлини тўсиб қўйган, шунда у портловчи мосламан ишга солган. Портлаш кучи 100 килога яқин тротил эквивалентига тенг, дея баҳоланмоқда. Негакки, портлаш содир этилган жойда чуқурлиги 80 см., айланаси 3 метр атрофида ура пайдо бўлган. Террорчи-камикадзедан асар қолмаган, атрофдаги уйлarning дераза ва томлари парчаланиб кетган.

ЛИТВА СЕЙМИ: ИМПИЧМЕНТ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ ВА...

Маълумки, Литва Президентини Роландас Паксасга нисбатан импичмент эълон қилиш масаласи неча ойдан бери давом этиб келмоқда эди. Нихоят бу масала ўз яқинини топди.

Гап шундаки, Конституциявий суд ҳулосаларидан сўнг республика сейми ишбу ишни икки кун давомидида қўриб чиқди ва овозга қўйди. Шундай қилиб Литванинг амалдаги Президентига нисбатан импичмент эълон қилинди ва у истеъфого чиқарилди.

Аслида Паксаснинг устидан маълумот тўплаш ўтган йилнинг октябр ойида бошланган эди. Президент ёрдамчиларининг телефондаги сўзларини эшитиб борган хавфсизлик хизмати Паксаснинг сайлов кампаниясига Юрий Борисов деган литваллик рус тадбиркори ҳомийлик қилганлигини, бу тадбиркор эса халқаро мафия билан боғлиқ эканлигини аниқлайди. Телефондаги махфий сўзлашувлар жараёнида мафия аъзолари президентдан катта лавозимлар ҳамда муқофотлар талаб қилишарди. Бу маълумотлар ошкор бўлганидан кейин Литва сейми, яъни парламенти томонидан Роландас Паксасга айбловлар ёғилди. Ҳатто Юрий Борисов сайлов кампаниясига 300 минг доллар сарфлаганлиги ҳам ай-

тилади. Президент дастлаб бу айбловларни рад этади. Шунга қарамадан ўтган йилнинг декабрь ойида Литва парламенти президентга қўйилаётган айбловларни ўрганиб чиқиш учун комиссия тузиш ва бу айблов тасдиқланса унга нисбатан импичмент жараёнини бошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Комиссия икки ойдан кўпроқ ишлади. Айбловлар ўз тасдиқини топди. Бирок президентнинг бу хатти-ҳаракати мамлакатнинг Асосий қонунини — Конституциясига зидми ёки зид эмасми? Сейм ана шу саволга аниқ жавоб олиш мақсадида Конституциявий судга мурожаат қилди. Конституциявий суднинг бу ишни қўриб чиқиши учун ҳафтага чўзилди. Ана шу даврда сейм танаффус эълон қилди. Нихоят, Конституциявий суд Роландас Паксас ўзининг хатти-ҳаракати билан мамлакат Асосий қонунини қўпол равишда бузган деган ҳулосага келди.

Сейм мажлисида иштирок этган мамлакат Олий суди раиси Витаутас Грейчюс берган манбаларга асосланиб, «Новости» агентлигининг хабар қилишича, Президентга нисбатан эълон қилинган айбловнинг биринчи пункти бўйича (сайлов жараёнида молиявий қўллаб-қувват-

лаган бизнесмен Юрий Борисовга Литва Республикаси фуқаролигини бериб, мамлакат Асосий қонунини бузган) Паксаснинг истеъфосини ёқлаб 86 депутат (аслида 85 овоз етарли) овоз берди.

Айбловнинг иккинчи пункти, яъни Борисовга нисбатан тергов ҳаракатлари бошланиши ҳақидаги маълумотни унга етказиб, давлат сирини махфий сақлаш борасидаги шартларни бузганлиги учун Президент истеъфосини ёқлаб 86 депутат овоз берди, 18 депутат эса қарши овоз берди.

Учинчи айблов — давлат бошлиқлиги ваколатидан фойдаланиб, айрим хўжалик ишлари бўйича ўз ёрдамчисига ноқонуний топшириқлар берганлиги учун 89 депутат Президент истеъфосини мақбуллаб овоз берди, 14 депутат бунга қарши чиқди.

Ёпиқ овоз беришда 137 депутатдан 115 нафари иштирок этди. Ҳисоблаш комиссиясига 114 та бюллетен келиб тушди. Шундан 103 таси ҳақиқий, деб ҳисобланган.

Литва Конституцияси ва сейм Низомига биноян мамлакатнинг амалдаги Президентини ваколати импичмент эълон қилингандан сўнг автоматик равишда тўхта-

тилди. Энди сейм айрим масалалар бўйича қарор қабул қилиши лозим. Яъни сейм раиси Артурас Пауласканинг вақтинчалик Президент вазифасини бажаришига ва унинг ўринбосарларидан бири сеймга раҳбарлик қилишига ишонч билдириши даркор.

Республикада янги президент сайловлари шу йил майда бўлиши кутилмоқда. Россия телевиденисининг 1-канали хабар беришича, бу сайловда Паксас яна ўз номзодини қўйиши аҳтимолдан холи эмас. Аммо ана шунинг эътиборига олиш лозимки, импичмент эълон қилиш комиссияси томонидан тақдим этилган материалларга асосланиб, республика бош прокуратураси жиноий иш қўзғашга мумкин.

Эслатиб ўтаемиз: Роландас Паксас 2003 йил 26 февралда бўлиб ўтган сайловнинг иккинчи турида собиқ президент Валдас Адамкус устидан голиб чиқиб, президентлик лавозимини эгаллаган. Паксас президент бўлгунга қадар икки марта Вильнюс шаҳри мэри бўлган, ҳукуматни ҳам бошқарган.

**Иброҳим НОРМАТОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ**



«КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ» ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАҚЛИФ ЭТАДИ

**ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!**
2004 йил 8, 15, 22, 29 апрель кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдоларига тақдирланган қўриқданги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 PP 253, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 3 907 343 сўм.**
2. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 UZ 351, 1994 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 3 418 925 сўм.**
3. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 UZ 352, 1991 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 3 907 343 сўм.**
4. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 UZ 321, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 1 641 084 сўм.**
5. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 АА 113, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 1 846 220 сўм.**
6. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 AS 085, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 1 641 084 сўм.**
7. «ГАЗ-3102» русумли, давлат рақами 10 AS 081, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 1 435 949 сўм.**
8. «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 81 85 ТНД, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 761 932 сўм.**
9. «ГАЗ-2410» русумли, давлат рақами 12 02 ТНД, 1992 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 761 932 сўм.**
10. «ИЖ-2715» русумли, давлат рақами 11 85 ТНА, 1988 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 721 337 сўм.**
11. «РАФ-2203» русумли, давлат рақами 10 АҚ 568, 1987 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 1 933 907 сўм.**
12. «УАЗ-452 В» русумли, давлат рақами 10 АА 946, 1980 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 2 445 795 сўм.**
13. «Опель-Омега» русумли, 1999 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳо — 18 038 800 сўм.
14. «Опель-Вектра 1.8S» русумли, 1995 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 8 805 100 сўм.**
15. «ГАЗ-3102» русумли, 1998 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳо — 3 617 000 сўм.**
Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар! Импичментнинг бой берма!
Савдода қатнашиш учун харидорлар автотранспорт воситалари бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда закалат пули тўлаши шарт.

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 1 соат олдин тўхтатилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизиқтириш бор харидорлар республика Кўчмас мулк биржаси ва «Кимощди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.
Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржа маркази биноси, 3-қavat, 44-8-хоналар.
Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75; Факс: 136-06-17; www.rkmb.expo.uz

«Замин» банк акциядорлари диққатига!

«ЗАМИН»

давлат акциядорлик ипотека банки
акциядорларининг навбатдаги умумий йиллик
ййғилиши 2004 йил 7 май кунин соат 10.00 да банк
биносида ўтказилади.

Кун тартиби:

1. Банк Кенгашининг банк фаолиятини бошқариш бўйича ахбороти.
2. Банк Бошқарувининг 2003 йилдаги фаолияти яқунлари ва 2004 йилдаги асосий йўналишлари ҳақида ҳисоботи.
3. Банкнинг 2003 йилдаги молиявий фаолияти, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлари ҳисоботини тасдиқлаш, банк фойдасини тақсимлаш, ташқи аудит текшируви натижалари тўғрисида.
4. «Замин» банк Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Банкнинг 2004 йилга мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
6. Банк Кенгашини қайта қўриб чиқиш.
7. Банк Бошқаруви раиси билан 2004 йилга ёлланма шартнома тузиш тўғрисида.
8. Банк Уставига ўзгартиришлар киритиш.
9. Банкнинг б-эмиссия акцияларини муомалага чиқариш.
10. Бошқа масалалар.

Ййғилиш қатнашчилари 7 май кунин соат 9.00 дан 10.00 гача рўйхатга олинади.

Қўшимча маълумот учун телефонлар:
55-72-97, 55-82-59.
Манзил: Тошкент шаҳар, П.Ржевский кўчаси, 3-уй.
БАНК КЕНГАШИ



«Замин» давлат-акциядорлик ипотека банки Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун қуйидаги омонат турларини тақдим этади:

Омонат тури	Омонат номи	Муддати	Фоиз ставкаси (йиллик) %	Изоҳ
Жисмоний шахсларга				
1.	Талаб қилиб олинган омонат		10%	1000 сўмдан юқори
2.	Жамгарма омонат	«Авто» 1 йилдан 3 йилгача	10%	
3.	Жамгарма омонат	«Ипотека» 1 йилдан — 3 йилгача	33%	1000 сўмдан юқори
		3 йилдан — 5 йилгача	34%	1000 сўмдан юқори
		5 йилдан узоқ муддатта	48%	1000 сўмдан юқори
4.	Жамгарма омонат	«Нуроний» 1 ойдан — 12 ойгача	21-32%	
5.	Муддатли омонат	«Болажон» 4 йилга (48 ойга) қайта молиялаштириш ставкасига асосан	20%	12 ёшли болалар учун ота-оналар томонидан қўйилади 100,0 минг сўмдан юқори
6.	Муддатли омонат	3 ойлик	28%	1000 сўмдан юқори
		6 ойлик	30%	1000 сўмдан юқори
		12 ойлик	32%	1000 сўмдан юқори
7.	Муддатли омонат	«Оптим» 1 йилгача	22,5 %	«Олдиндан фойда тўлаш» 100,0 минг сўмдан юқори
8.	Муддатли омонат	«Эгасига тақдим этилувчи (Предьявители)» 3 ойга	28%	100 мингдан — 1 млн. сўмгача (Пенсионерлар қабул қилинмайди)

«Замин» банк — барқарорлик ва ишончлилик асосидир!

Фарзандлар соғлиги — юрт бойлиги

«Туғилган бола соғлом ўсин, улгайиб вояга етгач, жамиятимизнинг баркамол аъзоси бўлсин, янги қуриладиган оилалардан янада соғломроқ авлод дунёга келсин.»

Ислам КАРИМОВ.

ОИЛА ҚУВОНЧИ

Иссиғи кўтарилган бола шифохонга келтирилди. Профессор унинг қовуғи катталашиб кетганига эътибор қаратди. «Демак, сийдик йўлида қандайдир нуқсон бўлса керак ёки тош тикилиб қолганимикин? — йўлида. — Йўқ, бу ерда бошқа касаллик белгилари йўқ бўлганда...»

факрича, бола туғилган пайтда унинг жинсини тўғри аниқлаш, айниқса, муҳим. Бунинг учун туғуруқхона ходимлари хушёр бўлишлари, ўзларнинг жавобгарлик ҳиссини унутмасликлари лозим. Афсуски болаларнинг жинсини нотўғри белгилаш ҳоллари ҳамон ўчраётганлиги ачинарли.

МИНГ ЙИЛЛИК МЎЪЖИЗА

да юқорида қайд этилган ҳолатлар илмий-оммабоп тилда, ҳаётини мисоллар орқали ҳикоя қилиб берилганини эслатиб ўтмоқчимиз.

Профессор кузатиш олиб бораётган касалликлардан яна бири пешоб пуфағи экстрозияси бўлиб, бу ҳасталик билан туғилган болалар бугунги кунда Бекназаров муолажалари туфайли шифо топаётганлиги эшитиб, узок-яқиндан унинг ҳузурига келаётганларнинг кети ўзимлайди.

— Клиникамизга етти яшар қизчани олиб келишди, — дея ҳикоя қилади у. — Ота-она фарзандида ўғил болалариникидек баъзи қилиқларни анчадан бери кузатиб келган бўлса-да, бунинг шунчаки ўткинчи ҳолат деб, парвасиз юрaverишган.

Мутахассисларнинг кузатишлари қараганда, гипоспадия касаллиги туғилган қаранг 250-300 чақалоқдан бирида учраши мумкин. Модомики, Ўзбекистонда аҳоли ўсиш суръатлари юқори экан, гипоспадияни ўз вақтида аниқлаш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратиш лозим.

Аслида гипоспадиянинг келиб чиқишига нима сабаб бўлади? Олимни кўпроқ жумбоқнинг ана шу жиҳати қизиқтиради. Ниҳоят, тугун учи топилиди. Ҳомилалар аёлнинг ҳаяжонлиши, қутилмаган қайғу, гам-ташвишга дуч келиши гипоспадияни келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар ҳисобланар экан.

Олим учун энг муҳими, яқиний натижа. Ўзбекистон шароитида болаларнинг пешоб йўлида тош пайдо бўлишида микроэлементларнинг бузилиш даражаси умуман таъдир қилинган.

Жуманазар Бекназаров институтни битиргач, Қашқадарёда фаолият қўрсатди. Кейинчалик клиник ординатурага ўтади. Тошкентдаги 14-шаҳар шифохонасида анестезиолог, реаниматолог бўлиб ишлади. Бир неча бор Москва, Санкт-Петербург шаҳарларида ўз малакасини оширди. Авал ассистент, кейин доцентлик даражасини эгаллади.

1975-1982 йилларда 14-шаҳар кенг ихтисослиб шифохонанинг болалар жарроҳлиги бўлимида ишлагани билан бори. Айрим микроэлементлар алмашишувни бузилиши ва болаларда буйрак тош касал-

лигини даволаш мавзуини номзодлик иши сифатида тадқиқ этди. Илмий раҳбари, профессор Карим Тоҳиров унга ўз маслаҳатлари билан ёрдам берди. Шу боис кейинчалик «Болаларга бағишланган умр» номли рисоласини Ўзбекистон болалар жарроҳлиги асосчиларидан бири, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат қўрсатган врач, профессор Тоҳировнинг илмий-амалий фаолиятига бағишлади. Бугунги кунда унинг ўзи ҳам Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг устози номи билан аталадиган болалар жарроҳлиги кафедрасида профессор бўлиб хизмат қўрсатмоқда.

Номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлагач, шифокор устози бошлаган хайрли ишларнинг муносиб давомчилиги сифатида болалар жарроҳлиги йўналишида ишлаганига шўнғиб кетди. Уша кезлардаёқ россиялик машҳур олим, профессор В.М.Державин «...ҳозирга қадар Урта Осиё шариоитида болалар пешоб

босқичлисини афзал қўришмоқда. Минг афсуски, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари ўрталаригача операциянинг такомиллашган бирин-бир усули яратилмаган. Ж.Бекназаровнинг айнан шу жумбоқни ечишга бел боғлаганлиги бежиз эмасди. Айни чоғда қовуқдан пешобни чиқаришнинг ишончли усули ҳам ишлаб чиқилмаган эди. Бу муаммо ҳам зўрок олимнинг эътиборини ўзига жалб этмай қолмади.

Аслида ушбу илмий ишдан қўзланган мақсад нима эди? Гипоспадия — ўғил болаларда учрайдиган жинсий норасолик бўлиб, у агар операция қилинмаса бемор бефазрандлик балоси ёнқи руҳий изтироблар чангалида ҳаёт кечиршига мажбур бўлади.

— Мана шу нуқсонни бартараф этишда МДХ мамлакатларида шу пайтгача ҳар бир бемор уч-тўрт, марта, ҳатто ундан ҳам кўпроқ операция қилинарди. Биз эса ушбу ҳолатда бир марталик операция усулини амалиётга жорий этдик. Бунга

ЯНГИ УСУЛ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Аслида гипоспадияни қандай англамоқ керак? У пешоб чиқариш канали орқа (пастки) деворининг ҳосил бўлмай қолиши билан белгиланадиган тумма касаллиги, уч-тўрт ёшгача бола шикоят қилмай юради. Ана шу оддий дарддан азият чекувчилар сонининг йилдан-йилга ошаётганини шифокорларни жиддий ташвишга солмоқда.

Бу касаллиқни даволашда хорижда бир босқичли операцияни асосан беш хили қўлланилар экан. Асоратларни қайта дафт этишда эса ўттиз тўрт фоиз ҳолларда операция муваффақиятсиз чиқаркан. Чунки бу операцияда янги уретрани тиклаш учун қовуқ шиллик қаватидан ёки шу одамнинг лунжи шиллик қаватидан пластик материал олинаркан.

— Биз амалиётга тақлиф этаётган балапенал неоуретропластика операциясида эса бирон марта ҳам неоуретра торайиши қайд этилмади, — дейди Жуманазар Бекназаров. — Шунинг учун ҳам биз тавсия қилаётган операцияни ҳар тарафлама афзал ва қулай дея айта олишга ҳақлимиз.

Ҳозирги вақтда балапенал неоуретропластика операцияси Бухоро тиббиёт институтига қарашли болалар жарроҳлиги кафедрасида, Фаргона вилоят

марказий шифохонасида, шунингдек, Наманган урология марказида, Урганч, Навоий шаҳарларидаги шифо масканларида, 2-Тошкент Давлат тиббиёт институти болалар жарроҳлиги клиникаси ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти 1-болалар жарроҳлиги кафедраси клиникасида самарали қўлланилмоқда.

Бирок, балапенал неоуретропластика операцияси билан гипоспадиядаги барча муаммолар ҳал этилди, деб бўлмайди. Олимнинг фикрича, бунинг учун изланишлар давом этавериш керак. Янги усуллар топилиши мумкин ва асоратни худди балапенал неоуретропластика операциясидек 15,6 фоизга эмас, ҳатто 3-4 фоизга тушириш имкони туғилар...

Жуманазар Бекназаров ҳақида самийий эътирофлар, дилдан чиққан баҳолар таллайгина. Марҳум устози Амин Сулаймонов олим ҳақида шундай деган эди: «Бекназаров нафақат моҳир жарроҳ, у айни чоғда қалами ўткир ижодкор, публицист, бир неча бадий китоблар муаллифи. Қанийди, шундай кўп қиррали дўхтирларимиз сони ортса...» Бу каби аjoyиб эзу тилаклар бежиз эмаслигини моҳир жарроҳ ўтказётган мурақаб тадқиқотлар натижаларидан ҳам билса бўлади.

Профессор Бекназаров оиласида улгаётган уч фарзанд ҳам ота изидан бориб, унинг йўлини таллашди. Зафар болалар жарроҳлиги бўйича аспирантурада тахсил олаётган бўлса, Зоир — жарроҳ, Дилбар эса клиник ординатура ўтамоқда. Ажабмас, улар ҳам оталари каби илмда ўз иқтидорларини намойиш этиб, етук мутахассис бўлиб етишса...

Ҳозирги пайтда профессор Бекназаров ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси давлат патент идораси томонидан ихтиролари ва тақлифлари учун берилган гувоҳномалар сони қирққа яқинлашибди. Буларнинг ҳаммаси кўп йиллик машаққатли ва самарали изланишлар маҳсули эмасми?

Миршароф МУҲСИМОВ, Ўзбекистонда хизмат қўрсатган журналист

йўлида тош пайдо бўлиши касаллигида микроэлементлар алмашишувининг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга бағишланган тажриба, на клиник ва на тадқиқот ишлари ўтказилган эди», деб ёш ўзбек олимнинг изланишларига юксак баҳо берганди.

Йиллар ўтиб устоздан олинган сабоқлар ўз самарасини берди — шогирдлари Комилжон Абдуллаев, Рустам Худойбергомиев ҳам унинг раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқладилар. Яна қанча ёш тадқиқотчилар изланишда...

ДОЛЗАРЬ МАВЗУ

Илим доимо изланишни талаб этади. Шу боис Ж. Бекназаров докторлик диссертациясига «Болаларда гипоспадиянинг жарроҳлик усули билан даволаш» йўналишини мавзу қилиб танлади.

— Гипоспадия ҳақида қарий минг йил аввал илк бор буюк бобомиз Абул Қосим аз-Заҳравий мулоҳаза юритганига қарамасдан 1876 йилга келиб дунёда биринчи муваффақиятли операция Дюплей ва Тирш усулларида Ангар томонидан амалга оширилган эди, — дейди олим. — Шундан буён юз йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, бугунгача ана шу дардин бартараф этиш учун икки юздан ортик операция ва унинг нусхалаштирилган усуллари тақлиф этилган. Ана шуларга қарамай бу мавзу ўзининг ниҳоятда долзарблигини йўқотмаган.

Ҳозирга қадар МДХ мамлакатлари Ландерер, Дюплей, Броун усулларида, Ўзбекистонда эса болалар жарроҳлари ва урологлари асосан Дюплей усулида гипоспадияни операция қилишар эди. Аммо бу жарроҳлик муолажаларида ҳатто уч босқичдан кейин ҳам ўн уч фоиздан кўпроқ саккиз фоизгача ҳар хил асоратлар қилиши кузатилади. Демак, бемор гипоспадиядан тўла ҳалос бўлиши учун камида уч марта операцияни бошдан ўтказиши керак...

Кейинги йилларда эса ривожланган мамлакатларда урологлар гипоспадияда кўп босқичли операциядан воз кечиб, бир

эса қўйидагича эришилди: янги операция усулида қовуқни тамомилан янги дренажлаш орқали; буткул янги дренажлаш найчаларини қўллаш билан, — деди олим.

Бунга илк бора уринган аз-Заҳравийнинг ишини бирорта хорижлик олим ҳал этолмаган бир пайтда, унинг юрдоши Жуманазар Бекназаров минг йилдан сўнг ушбу дарднинг бир марталик операция усулини кашф этиб, ҳақонда юқори кўрсаткични қўлга киритди.

Ҳозирги пайтда гипоспадиянинг нисбатан оғир хилларида қўлланилаётган асосан уч хил операция усули бўлиб (Хатсон, Хортон — Девине, Дуккетт операциялари), Америка, Англия, Франция, Бельгия, Германия, Япония ва Мисрда ўтказилади.


Ўзбек тадқиқотчисининг тан олишича: «бизнинг операцияларимиздан кейинги асоратлар санаб ўтилган операцияларда кузатиладиган асоратлардан камлиги, гипоспадиянинг қайси шакли бўлишидан қатъий назар бир хил усулда бажарилиши билан ажралиб туради».

ИЛМИЙ ЯНГИЛИК

Ихтисослашган кенгаш ҳулосасига кўра, болалар хирургияси соҳасида илк марта янги усулдаги гипоспадияни бир босқичда бартараф этиш имконини берадиган балапенал неоуретропластика операцияси амалиётга таътиқ этилди. Бунда биринчи марта қовуқ-уретра да обтурациялаб дренажловчи найча хиллари кенг қўлланилди. Урология, хусусан, болалар урологияси соҳасида везикоэндопункция, уретр-эндопункция усуллари яратилди. Мана шу жарроҳлик йўллари мажмуаси туфайли гипоспадияни болаларнинг олти ойлик пайтидан бошлаб операция қилиш имкони яратилди.

Эътибор беринг-а: ўша пайтда (яъни тўқсонинчи йилларда) ана шу ихтиро республика миллионлари сўм иқтисодий фойдага эришиш имконияти яратилар, қанчадан-қанча болалар бу оғир ҳасталиқдан фориғ бўлар эдилар.

Болалар спорти



Фарзандларимизни баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида болалар спортига катта эътибор берилмоқда. Уз навабатида барча ташкилот ва муассасалар бу эзгу ишга ўз хиссасини қўшапти. Хусусан, Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси спорт саройида бир неча спорт тури бўйича тўғрақлар ташкил этилган. Айниқса, дзюдо машғулотлари болаларнинг иштиёқи баланд.

Халқаро турнирлар голиби, спорт устаси, мураббий Роберт Мелкумяннинг айтишича, дзюдо тўғра-

ЎРТОҒИМИЗ ХОТИРАСИ

Ўзбекистон матбаа тармоғининг оқсоқоли Соломон Львович Могилевскийнинг орамиздан кетганини қалбдан ҳис эттиш оғир. Уруш ва меҳнат фахрийсининг узок ва ҳалол ҳаёти 91 ёшда лавинага етди. Соломон Львовични катта авлод журналистлари ва матбаачилари яқиндан танишарди, ёшлар эса у ҳақда ҳикояларни тез-тез эшитишарди.

ни жасоратлигига қорлади. Доворак журналистнинг хизматлари муносиб тақдирланди. Урушдан сўнг бунёдкорлик йўлидаги унинг меҳнатлари «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан муносиб тақдирланди. Маданият инсон хизмат қилаётган соҳагина эмас, балки муомала қилаётган одамларга бўлган ҳурмат даражаси ҳамдир. Соломон Львовичга ҳам ана шундай хусусият хос эди.

Меҳнат фахрийси, матбаа ишлаб чиқаришнинг оқсоқоли С.Л.Могилевскийнинг энг яхши инсоний фазилатлари ҳамisha қалбимизда қолди.

Бир гуруҳ ўртоқлари

Интер-спорт

ЯРИМ ФИНАЛДА «ЧЕЛСИ» — «МОНАКО»



«Челси» ярим финалда курашнинг давом эттириш имкониятини қўлга киритди. Европанинг нуфузли клубларидан саналуви Мадриднинг «Реал» клуби ўйиндан чиқиб қолиши муҳлисларни ҳайратга солди. Ваҳоланки, «Реал» дастлабки ўйинда Франциянинг «Монако» клубини 4:2 ҳисобида доғда қолдирган эди. Жавоб учрашувида эса французларнинг омадлари чопиб, 3:1 ҳисобида устун келишди. Шу тариқа «Реал» ярим финалга чиқолмай қолди. Ярим финалда эса энди «Челси» билан «Монако» ўзаро куч синашадиган бўлиб турибди.

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОДИЛ КИШИ ОЙДАЙ, ОҚИБ ТУРГАН СОЙДАЙ — Оқиб турган сойнинг суви қанчалар мусаффо, тиниқ, кўзни ва дилни қувонтиргувчи бўлса, одил киши, яъни адолатга садоқатли, бирор томонга ён босмай, адолат юзасидан ҳолисона, ҳаққоний иш тутувчи, тўғри, бегараз одам ҳам шунчалар ёқимли, «фариштали», ибратли, обрў-эътиборли. иззат-ҳурматга сазовор бўлади», дейилмоқчи.

ОЙДА КЕЛСИН, ОМОН КЕЛСИН

Бу мақолни кўпроқ қариялар ишлатишади. Уларга биров: «Ўғил-қизларингиз (узатилган қизлар, ўғилани, алоҳида рўзгор қилиб чиқиб кетган ўғиллар) сизларни кўргани, ҳол-хабар олгани камроқ келадиган бўлиб қолишимиз а?» деса, ўғил-қиз шунчаки оидатилар ва бу билан: «Бизларнинг умрдангинаш йўқ. Онда-сонда келишам ҳам майлига, ишқилиб омон бўлишса, ўзларидан тинчиб ўтиришса, шунинг ўзи бизлар учун катта давлат, демоқчи бўлади».

«КИМОШДИ САВДОЛАРИ АГЕНТЛИГИ» ВА РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН ВА ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАҚИМ ЭТАДИ

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! 2004 йил 13,20 май кунлари соат 11.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган аукцион савдосига қўйиладиган объектлар қўйилади:

- 1. Фаргона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган болалар соғломлаштириш оромоҳи. Бошланғич баҳоси — 69 795 700 сўм.
2. Фаргона вилояти, Қувасой шаҳрида жойлашган профилаторий. Бошланғич баҳоси — 87 836 700 сўм.

Шунингдек, 2004 йил 13,20 май кунлари соат 12.00 да республика Биржа маркази биносида ўтказиладиган танлов савдосига қўйиладиган объект қўйилади:

- Тошкент вилояти, Бўстонлик туманида жойлашган «Markaziy mashina traktor parki ta'minot servisi» акциядорлик жамияти баалонидидаги «Наргиз» болалар дам олиш оромоҳи (ассийй фалиятинги узарттирмалик шарти билан). Бошланғич баҳоси — 40 245 000 сўм.

Танлов савдосида муҳланган конвертлардаги бизнес режа ва объектни сотиб олиш нархи бўйича тақлифлар 2004 йил 13 май кунлари соат 12.00 да республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 45-хонада очилади.

Шу кунлари етарли миқдорда тақлифлар тушмаган тақдирда 2004 йил 20 май кунлари соат 12.00 да республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 45-хонада очилади.

ХЎРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Савдоларда қатнашини учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоиз миқдоридида зақалат пули тулаши шарт. Аукцион савдоси бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланганидан 1 соат олдин, танлов савдоси бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқишни бор сармоядорлар, ишбилармон юрдошларимиз республика Кўчмас мулк биржаси ва «Ким ошди савдолари агентлиги»га мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржа маркази биноси, 3-қават, 44-, 8-хоналар. Мазлумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17. www.rkmb.expo.uz

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Тошкент вилояти, Паркент туманидаги «Заркент» ширкат ҳўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қарамони, партия фаоли Тожибой РИЗАЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига чуқур таъзия изхор этади.

BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY ATI:

- Abdulla ORIPOV, Asiddin RUSTAMOV, Azimjon AYUPOV, Aziz NOSIROV, Ashur QODIROV, Bobir ALIMOV, Habib SA'DULLA, Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari), Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Andy ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari), «Golos Uzbekistana», Nomoz SA'DULLAYEV, To'lepbergen QAIPIBERGENOV, Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

- Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55, Ma'naviyat va ma'rifot 133-69-45, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, Parlament va huquq 136-57-20, Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43, Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks), 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks), Kotibiyat 133-72-83, Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:

- Andijonda — 25-32-70, Buxoroda — 222-10-92, Gulistonda — 25-03-80, Jizzaxda — 5-49-85, Navoiyda — 3-39-20, Namanganda — 6-43-43, Nukusda — 222-70-15, Samarqandda — 35-20-54, Urganchda — 226-51-35, Farg'onada — 26-43-62, Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Mirbaxtiy MIRFAZIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida OQS-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshish faqat tabhriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi. G — 564

10669 nusxada bosildi. T — Tixorat materiali. Topshirish vaqti — 21.00. Topshirildi — 01.30. 1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA